

# КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯЛШИ МАЖЛИСИ МАЪРУЗАЛАРИ

## **1-ШҶЪБА. Марказий Осиё халқлари исломгача давр миллий ва диний қадриятлари синтези**

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/001>

### **ЗАРДУШТИЙЛИК ОНТОЛОГИЯСИ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ**

**Маҳмудова Гули Тилабовна**

ЎзМУ, “Фалсафа ва мантиқ” кафедраси профессори

Авесташунослар Авестани турлича талқин этишларига қарамасдан, ушбу муқаддас китоб диний моҳият касб этиши билан бирга, фалсафий, сиёсий, ахлоқий, адабий моҳиятга эғалигини яқдиллик билан тан оладилар.

Авестада акс этган диний дунёқараш асосида, диний тушунча ва атамалар орқали фалсафий: онтологик, гносеологик, мантиқий, антропологик ва жамиятшуносликка оид муаммолар акс этилган. Зардушт ўз тасаввурларини юқори даражада мавҳум тарзда баён этган.

Эронликлар эътиқодининг диний ривоят ва афсоналарга қараганда умумий, мавҳум бўлганлигини ва концептуал жиҳатдан Қадимги Юнонлилар динига эмас, балки Эмпедокл таълимотига ўхшашлигини кейинги даврларда Геродот ўз асарларида қайд қилади. Бундай ўхшашликлар асосида баъзи олимлар Ҳотларга асосланган

зардуштийликда, яъни Зардушт таълимотида, Марказий Осиё ва Эронда фалсафа шаклланганлиги масаласини қўйиш мумкин, деган фикрларни билдирадilar. Бу фикрга биз тўлалигича қўшиламыз ва таъкидлашымиз мумкинки, Зардушт таълимотида (Гохларда) илгари сурилган ғоялар ўз даври учун жуда илғор ва мавҳум ғоялар бўлиб, уни кенг халқ оммаси тушуниб етмаган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун Авестада акс этилган Зардуштдан кейинги даврда политеистик ғояларнинг тикланиши ва Зардушт таълимотига киритилганлигини табиий ҳол деб тавсифлаш мумкин.

Марказий Осиё халқларининг исломдан олдинги диний, фалсафий ва ахлоқий қарашларини ўрганишда ёзма ёдгорликлар: асосий манба сифатидаги зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авеста ҳамда ташқи манба сифатида Геродот ва Страбон каби Қадимги Юнон муаллифларининг асарлари ҳамда Эллинистик даври файласуфлари Анаксимандр, Гераклит, Пифагор қарашлари катта аҳамият касб этади.

Баъзи тадқиқотчилар, гарчи зардуштийликдаги ва, айниқса, унинг Гохтларга асосланган таълимотидаги баъзи тасаввурлар Қадимги Ҳиндистон ва Юнондагидек фалсафа фанининг шаклланишига олиб келмаган бўлса-да, уларни фалсафага жуда яқин турган, моҳиятан фалсафий бўлган ёки натурфалсафа деб баҳолайдилар [1. 417 – 418];[1. 23 - 48]. Демак, ушбу дин пайдо бўлган заминда мувофиқ шароитлар бўлганда фалсафа фани шаклланган бўлар эди.

М. Элиаденинг маълумотига кўра, эронликлар томонидан қатор диний концепциялар кашф этилган, қайта анланган ва тизимлаштирган. Улардан энг асосийлари: бир неча дуалистик тизим (космологик, ахлоқий, диний дуализмлар) ишлаб чиқилганлиги; халоскор тўғрисидаги ривоят; пировард натижада Эзгуликнинг ғалаба қозониши ва барча инсонларнинг халос бўлишини эълон қилувчи оптимистик руҳдаги эсхатология; жисмонан қайта туғилиш ҳақидаги таълимот; баъзи гностик мифлар; ва, ниҳоят, ҳам италиялик неоплатониклар, ҳам Парацельс ёки Джон Ди томонидан Уйғониш даврида ривожлантирилган маг(муғ)лар мифологияси [2].

Қадимги Юнонда мифологик дунёқарашнинг фалсафий дунёқарашга ўтиши қуйидаги уч хусусиятнинг ўзгариши даражасида қайд этилади, деб ҳисоблайди В.П. Горан: 1) супранатурализм - демифологизация (яъни табиатни унинг ўзидан келиб чиқиб тушунтириш, талқин қилиш); 2) генетизм – бундай талқинни амалга оширишда субстанционал ёндашув; 3) оламнинг вертикал тузилган деган тасаввурдан унинг шар(сфера)симон тузилганлиги тўғрисидаги тасаввурга ўтиш [3.95-101].

Ушбу хусусиятларни зардуштийлик таълимотида ҳам кузатиш мумкин. Авестада бир турдаги дунёқарашдан бошқасига ўтиш акс этади. Худолар одамсимон (антропоморф) қиёфасини йўқотиб, мавҳум унсурлар, табиатдан юқорида турувчи ва оламдаги тартибни назорат қилувчи мавҳум илоҳлар сифатида гавдаланади. Генетизм эгизак-Рухлар тўғрисидаги афсоналарда ҳамда Ахура Мазда томонидан

Амеша Спенталарнинг (Амшосипанд, Амиша Спинта) яратилиши тўғрисидаги афсоналарда сақланиб қолган. Шу билан бирга, Гоҳларда оламнинг ягона субстанционал асоси мавжудлиги қайд этилган, у - ягона ва мавҳум (антропоморф бўлмаган) худо - Ахура Маздага сиғиниш кўринишида ифодаланади.

27.14. Ҳақиқат – Олий неъмат,  
Ҳақ истаги, Ҳақ иродаси  
Ҳақиқатдир Ҳақ ифодаси.

Бу мисралар зардуштийлик, асл номи Мазда Ясна динининг энг улуг дуоси ҳисобланиб, унинг номи биринчи мисра бошидаги икки сўз билан “Ашэм ваху” деб аталади. Бу гўё ислом динидаги “Фотиҳа” сурасининг халқона “Ал-ҳамду” деб аталгани каби. Дуонинг биринчи сатри *Ашэм ваху ваҳиштам асти* “Эзгулик эзгудир, энг эзгуликдан-да эзгу” демақдир. Бу айтимдан *Ашэм* сўзи юқорида кўрсатганимиз *Аша (Арта)* Ахура Мазданинг “Ҳақиқат”, “Ҳақ” каби Олий сифатлари ҳамда оламнинг асл илоҳий эзгу тартиби маъносига эга. Бу шунчаки тартибигина ҳам эмас, балки бутун борлиқнинг адолатли, оқилона мувозанати ҳамдир [4.192].

Илк зардуштийликда оламнинг тузилиши вертикал тарзда тасвирланган, яъни Ахура Мазда - осмонда, Ахриман эса – ер остида яшайди. Кейинчалик коинот тузилишининг тухум(шар)симон модели устунлик қила бошлайди (Ясна, 30,5-Ҳот; Яшт, 13,3), яъни ер, тухумнинг сариғига ўхшаб, шарсимон деб тасаввур қилинади, унинг теварагини осмон, тухум пўчоғига ўхшаб, ўраб туради, яъни фазода

турли йўналишларда ҳаракат қилиш мумкин. Ер атрофидаги фазода юлдузлар, Ой ва Қуёш жойлашган ва бу фазо, Аҳура Мазданинг тимсоли бўлган, қаттиқ жисмдан ясалган гумбаз билан чекланган.

Ясна, 30-Ҳот:

“5

Икки руҳнинг бири разолатни танлади,  
Муқаддас Рух эса, Ҳақиқат менга, деди.

Зирҳи самодай маҳкам Аҳурага мақтовлар!

Ёвуз руҳ ёмон ишларни, Муқаддас эзгу руҳ эса Ҳақ йўлни танлаб, Аҳура Маздани чин дилдан олқишлайди. Шу ўринда Зирҳи самодай маҳкам” ибораси қуйидагича изоҳланади: Аҳура Мазданинг қиёфаси содда тасаввурларга хос равишда бутун осмонни кийим қилиб кийиб тургандек тасаввур қилинган. Хатто Осмон(бир вақтнинг ўзида ҳам само, кўк, ҳам *Асман* номли маъбуд) Аҳура Мазданинг кийимига этак деб ҳам таърифланади (Авеста. Хурмузд Яшт). Шундан хулоса қилинадик, осмон зардуштийлар назарида қаттиқ жисм ҳисобланган [5.159].

Шунингдек, реаллик икки даражага эга: нарсалар ва табиат олами (гетиг) ҳамда маънавий (ақл – меног, мийну) олами. Борлиқни иккига бўлиш диний онгга хос хусусият бўлиб, бунда қуйидаги қаршилик вужудга келади: мавжудликнинг маънавий бошланғич асоси (худо ёки худолар) сезгилар орқали ҳис этиладиган моддий оламга қарши туради. “Оммавий кўринишдаги диний онгда, яъни авом халқ онгида

худолар олами мавжуд ва одамлар ундан умидвор бўлиб яшайдилар. Лекин илоҳиёт, диний таълимот доирасида бу қаршилик ёки мутаносиблик устида алоҳида мулоҳазалар юритилган бўлиб, натижада янги мулоҳазалар тизими (фалсафий қурилма) пайдо бўлади”<sup>1</sup> [6.23]. Зардуштийлик таълимотида ҳам ана шундай фалсафий қурилма мавжуд. Масалан, Зардушт Аҳура Маздадан икки олам саодатини сўрайди, демак икки олам Аҳура Маздага тегишли ва икки олам бир-бирига қарши қўйилмайди.

Асоснинг яратилиши (Бундаҳишн)нинг I боби «Зендагоҳ»дан асоснинг яратилиши муаммосига бағишланган. Унда шундай фикрлар қайд этилади: «Яратган Ормазд номи билан. «Зендагоҳ»дан: аввало, Ормазд томонидан (борлик) асосининг яратилиши ва Ёвуз руҳнинг (Ахриманнинг) қарама-қаршилиги ҳақида, сўнг, мавжудотлар яратилишининг асосидан то сўнгига қадар, якуний асосини (мойсини) гавдалантиришига қадар. Маздаясний Авеста (китоби)дан маълум бўлишича, Ормазд ҳамиша ёруғлик ва яхшилик улашувчи энг олий раҳгамо бўлган. Ёруғлик олами – Ормазднинг макони, бу жойни у «чексиз нур (ёлқин)» деб атайди. Аъламлик (барча нарсани билувчилик) ва эзгулик Ормазднинг (азал) барқарор, хусусиятидир. Авестада унинг (яъни Ормазднинг) айтишича, Авеста – бу иккисининг (эзгулик ва аъламликнинг) мужассами: бири замон ва маконда муттасилдир – негаки Ормазднинг ўзи, унинг эътиқоди, макони (азалдан) бўлган, бор ва ҳамиша бўлади. Иккинчиси бу – зулмат,

---

<sup>1</sup> Шаймухамбетова Г.Б. О методологических аспектах темы соотношения философии и религии на Востоке // Методологические проблемы изучения истории философии зарубежного Востока. - М., 1987.- Б. 23.

жаҳолат, нодонлик ва бузғунчилик эҳтиросига бурканган Ахримандир. У жар тубида эди, бор, аммо, бўлмайди. Бузғунчилик ва зулматнинг жойлашган номи – «абადий зулматдир». Уларнинг (Аҳура Мазда ва Ахриманнинг) орасида «ҳаво» деб аталмиш бўшлиқ бўлган, бу ҳавода икки маънавий (руҳий) асос аралашган, юқоридаги «чексиз нур» ва тубанликдаги чекланган «абადий зулмат» [5.223].

Юқорида келтирилган фикрлардан кўринадики, зардуштийлик натурфалсафаси бутунлигича қадимги халқлар мифологиясидан келиб чиққан ва унга таянган эди. Табиат ва ижтимоий ҳодисаларни кўп асрлар давомида англаш натижалари, шунингдек, ўз навбатида тугалланган диний-фалсафий концепция асосини ташкил этган афсона ва ривоятларда ўз мазмунини топган ғоялар умумлашуви мифологик шаклда ифодаланган эди. Мифологик кўринишдаги мазкур концепцияда дунёнинг яратилиши, коинотнинг тузилиши, фазовий жисмларнинг ўзаро таъсири, табиат ва жамиятда бўлаётган ҳодисалар, инсоннинг бу дунёдаги ўрни ва роли, инсоният тақдири ва инсоннинг бутун дунё тақдири учун масъуллиги тушунтирилган эди.

Ормазд яратганларининг ичида моддий оламда биринчи бўлиб – осмон, иккинчи бўлиб – сув, учинчи бўлиб – ер, тўртинчи бўлиб – ўсимликлар, бешинчи бўлиб – чорва, олтинчи бўлиб – инсон пайдо бўлган. Зеро шунинг учун халқимизнинг замонавий онг стереотипларида зардуштийликнинг имоннинг барқарорлигини олам-жаҳоннинг эзгу асослари бутунлиги учун кафолат даражасига кўтарган, муқим ўрнашиб қолган ижтимоий-фалсафий ғояларни кўриш

мумкин. Имон эса, инсон билангина мавжуд. Шу сабабли зардуштийлик эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлаш ва эзгулик томонида бўлиш, ҳар қандай ёвузликни рад этишни инсон зиммасига мажбурлаб эмас, ихтиёрийлик асосда юклаган. Оламнинг бутунлиги, унда эзгуликнинг барқарорлигини, бир сўз билан айтганда, Аҳура Мазда яратган эзгу борлиқда безаволликни сақлаш учун Инсонни масъул этган.

Ясна, 30.2.

Қулоқ солинг, тингланг, қалбингиз МАЪНОГА очиб,  
Икки хилдир аҳду паймон, фарқлидир икки имон.  
Охиратда ажру, жазо ҳар кимнинг амалига муносиб.

Бу бандда эътиқод эркинлиги ғояси билан баробар, ҳар кимнинг, у Ҳақ йўлида имонлими ва ё жоҳилиятнинг ёлғон йўлларида адашганми, барчаси учун олам поёнида лойиқ ажру мукофотлар ёки муносиб жазо тайин экани қайд этилади. Ниҳоят, залолат ҳам батамом йўқ бўлади. Олам ёвузликдан покланиб, тубдан янги пок дунё юз очади. Аммо бу дунё бандалари ўз ҳаёт ташвишлари билан билиб-билмай содир қилган савоб ёки гуноҳлари учун нима даражатлар борлигини билавермайди. Шунинг учун Аҳура Мазда Буюк қомат кунига эзгуликлар билан келишни тавсия этади, бунинг учун ажр, мукофот тайинлигини билдиради [5.159].



## **Адабиётлар:**

1. Удам Х.К. Иранская философия / Иран. Х. Просвещение. 2. Общественные науки. Философия // Большая Советская Энциклопедия. Гл. ред. А.М. Прохоров. - Т. 10. - 3- изд. - М.: Изд-во «Советская энциклопедия», 1972; Вольф М.Н. Онтологические аспекты иранских влияний на раннюю греческую философию.- Диссертация на соискание ученой степени канд.филос.наук.- Новосибирск, 2003; <http://www.nsu.ru/classics/Wolf/Kand-diss.htm#ch3>; Irani D. Kaikhosrov. The Philosophy of the Ancient Iranian Tradition // Journal of the K.R.Cama Oriental Inst. - 1986. - № 2.;
2. Элиаде М. История веры и религиозных идей. Т.I: От каменного века до элевсинских мистерий.- М.: Критерион, 2002.- Глава XIII: Заратустра и религии иранцев;
3. Горан В.П. О социально-исторической обусловленности генезиса греческой философии // Гуманитарные науки в Сибири. - 1996. - № 1;
4. Авеста: энциклопедик луғат.Тошкент, “NOSHIR”,2020;
5. Г.Т.Маҳмудова, М.М.Исҳоқов ва бошқалар. Зардуштийлик Хрестоматияси.Тошкент, “MUMTOZ SO’Z”.2017.-Б.159. Учлик шарҳи нашр этилмаган М.Исҳоқов шахсий қўлёзмалар архивидан;
6. Шаймухамбетова Г.Б. О методологических аспектах темы соотношения философии и религии на Востоке // Методологические проблемы изучения истории философии зарубежного Востока. - М., 1987.